**БИНО ВА ИНШООТЛАР ЁКИ УЛАРНИНГ ҚИСМЛАРИНИ**
**КОММУНАЛ ВА БОШКА ХИЗМАТЛАР**
**ШАРТНОМАСИ № 01**

"18" "01" **2022 йил** **Жиззах шаҳри**

Низом асосида иш кўрувчи **"Коммунал ва бошка хизматлар"** деб юритилувчи **Кўзи ожизлар кутубхонаси** номидан директори **У.Ибрагимов** ҳамда **Низом** асосида иш кўрувчи (кейинчалик **"Балансда сақловчи"** деб юритилувчи) **Вилоят Кўзи ожизлар жамияти бўлими** номидан раиси **И.Гаппаров** мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. **"Коммунал ва бошка хизматлар"**га Жиззах шаҳри, Улуғбек кўчаси 28-уй манзилидан умумий майдони **240** кв.м.ни (кейинги ўринларда **"Объект"** деб юритилади) беради, **"Коммунал ва бошка хизматлар"** эса ушбу **"Объект"**ни қабул қилиб олади ва белгиланган тўловини **"Балансда сакловчи"**га тўлайди.

## II. "ОБЪЕКТ"НИНГ ТАСНИФИ

2.1. **"Объект"**нинг таснифи (таркиби, ҳолати, қиймати ва бошқалар) мазкур шартноманинг иловасида алоҳида кўрсатиб ўтилган **(1-илова)**.

2.2. **"Объект" "Коммунал ва бошка хизматлар"**га "31" "12" **2022** йилгача берилади.

2.3. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида қайд этилган **"Объект"**дан **"Коммунал ва бошка хизматлар"** фақат **Идора** мақсадида фойдаланади.

2.4. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 9000000 (Тўққиз миллион) сўм бўлиб ушбу шартнома Ғазначилик бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

## III. "ОБЪЕКТ"НИ БЕРИШ ВА ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ **"Балансда сақловчи"** иштирокида **"Объект"**ни шартнома шартларига ва давлат мулкининг мўлжалланган мақсадига мувофиқ шартнома тузилган санадан кейин ўн кун ичида **"Коммунал ва бошка хизматлар"**га беради, **"Коммунал ва бошка хизматлар"** эса муддати тугагач **"Объект"**ни ўн кун ичида **"Балансда сақловчи"**га қайтаради.

3.2. **"Объект"**ни бериш ва қайтариш **"Балансда сақловчи"**, ва **"Коммунал ва бошка хизматлар"**нинг иштирокида **"Объект"**ни икки томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган холда, тарафларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

3.3. Далолатномада уни тузилган жойи ва санаси, ижара шартномасининг реквизитлари (тузилган санаси, тартиб рақами) ва **"Объект"**нинг техник холати кўрсатилади **(2– илова)**.

3.4. **"Объект"**ни бериш ва қайтариш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

3.5. **"Объект"** қайтарилаётганда камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) **"Коммунал ва бошка хизматлар" "Объект"**ни мазкур шартномада белгиланган муддатларда шартнома шартларига мувофиқ холатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача **"Балансда сақловчи"** уни қабул қилиб олишни ва **"Объект"**ни қайтариш-қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

3.6. **"Объект"**ни қайтариш ва қабул қилиш далолатномаси тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ва тарафларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланган пайтдан бошлаб **"Объект"** қайтарилган ёки қабул қилинган деб ҳисобланади.

3.7 Коммунал туловининг умумий суммаси 9000000 **(Тўққиз миллион )** сўмни ташкил этади.

**ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:**

**“БАЛАНСДА САҚЛОВЧИ”**
**“Жиззах КОЖ бўлими”**

Жиззах шахар, Ўлуғбек кўчаси 28-уй

Х/р: 20212000800304625001

АТИБ Ипотека банк Жиззах шахар бўлими

МФО-00122, ИНН: 200347868 ОКОНХ 98600

**Раис** ____________________ **И.Ғаппаров**

(имзо, мухр)

**“ИЖАРАГА ОЛУВЧИ”**
**Жиззах вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси**

Жиззах шаҳри, Ўлуғбек кўчаси 28-уй

Молия Вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб варағи

Х/р: 23402000300100001010

Марказий банк ББ ХККМ Тошкент шаҳар

ИНН: 201122919 МФО: 00014

Ш/хв 100021860084017082103056002

ИНН: 206867976 МФО: 00121

**Директор** ____________________ **У.Ибрагимов**

(имзо, мухр)

Юрист хулосаси:

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси тегишли моддалари “Ижара” ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар талабида, экспертизадан ўтказилди*

Юрист ____________________ ____________________

(имзо) (Ф.И.Ш.)